# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 17-may № 61 (2942) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш, демакдир.**

Ислом КАРИМОВ

## Янги кун янгиликлари

***Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи, лойиҳа қиймати 12,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган янги цех ишга туширилди.***

Мазкур цех йилига 360 минг дона генератор, 170 минг дона компрессор ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг қувончлиси, мазкур лойиҳа туфайли 44 та янги иш ўринлари яратилди.

***Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор ахборот-ресурс марказида ёшларга оид қабул қилинган қонунларни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёш сиёсатчи» танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.***

Танлов ХДП, «Камолот» ЁИҲ туман кенгашлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилди. Унда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар тўрт шарт бўйича беллашишди. Ғолиблар ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

***«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга кўмаклашувчи ишчи гуруҳи иш бошлади.***

Шунингдек, ҳафтанинг ҳар жума куни тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «очиқ эшиклар куни» ўтказилмоқда. Унда тадбиркор ва фермерларга зарур маслаҳатлар, тавсиялар берилаяпти.

## Тил билган — эл билади



Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган мактабда 1200 нафардан зиёд ўқувчи малакали ўқитувчи-педагоглардан сабоқ олмоқда. Ўқувчилар бу ерда пухта билим эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Мактаб қошида очилган турли фан ва санъат тўгараклари, замонавий спорт зали, ахборот-ресурс маркази ўғил-қизларга дарсдан сўнг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш имконини бермоқда.

**Суратда: учинчи синф ўқувчиси Азиза Абдубаннаева.**

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

*«Устоз-шогирд» анъанаси*

## Тадбир қоғозда қолмасин

***Қадриятларимиз орасида «Устоз-шогирд» анъанасининг ўрни алоҳида. Неча замонлардан буён халқимиз ана шу тахлит ёш авлодни камолот сари етаклаб бораётир. Бугунги кунда боқий мерос асосида иш билан таъминлашнинг мукаммал тизимига асос солинди.***

Самарқандда иқтидорли, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда ўзига хос тажриба бор. Айни чоғда вилоятдаги 400 та корхона ва муассасанинг 386 тасида касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар учун ўқув амалиёт хоналари ташкил этилган. 14 та корхона ва ташкилотда белгиланган ўқув амалиёти устахоналарда ўтказилмоқда. Уларга корхона раҳбари, раҳбар ўринбосари ва ишлаб чиқариш усталари дарс беради. 196 та корхонада амалиётга келган ўқувчилар бепул енгил тушлик билан таъминланяпти.

155 та касб-ҳунар коллежининг 2-3-босқичларида 110867 нафар ўқувчи билим эгаллаяпти. 2372 та корхона-ташкилот, фермер хўжаликлари билан касб-ҳунар коллежлари ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш юзасидан шартномалар тузилган.

Муайян мутахассислик илк кўникмаларини эгаллаган ёшларнинг касб-кор этагини тутиш имконияти яратилмоқда. Чунончи, амалдаги йилда мазкур даргоҳларни битирувчи 49639 нафар ёшни ишга жойлаш лозим. Айни чоғда 35890 нафар битирувчи эгаллаган мутахассислиги бўйича имзоланган коллеж — иш берувчи — битирувчи ўртасида уч томонлама шартнома туфайли эртанги кунидан хотиржам бўлиши мумкин. Ёшлар тадбиркорлик йўналишидаги фаолиятини ҳам йўлга қўйишлари учун шарт-шароит яратилаяпти. Жумладан, тижорат банклари томонидан 2011 йил битирувчилари учун 1 миллиард 708 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши кўзда тутилаяпти.

*(Давоми 2-бетда)*

*Томорқа хўжалиги касабақўм назоратида*

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан озиқ-овқат хавфсизлиги дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида амалий семинар ташкил қилинди.***

## Фаровонлик ўз қўлимизда

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари Боғот туманидаги Хўжалик қишлоғида бўлиб, тармоқ касаба уюшма аъзолари томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Танишув «Буюк келажак сари» номли кўчадан бошланди. Қишлоқларда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳаси асосида бунёд этилган, 70 га яқин намунавий турар жойларни кўриб, бу ҳудуд бир пайтлари анчайин кўримсиз бўлганига ишонгинг келмайди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида уйларнинг бир нечтаси ўз эгаларига топширилган эди. Айни пайтда янги турар жойлар қуриш ишлари давом этмоқда.

Қишлоқдаги 7-умумтаълим мактаби директори Гўзал Раҳимова биринчилардан бўлиб, ушбу турар жойлардан бирига кўчиб ўтиш бахтига муяссар бўлди.

— Эрта баҳордан ҳовлимизда экин-тикин ишларини бошлаб юбордик, — дейди у.

Семинар иштирокчилари ҳовлини кўздан кечириб, хонадон соҳибасининг омилкорлигига тан берди. Турли мевали кўчатлар, кўплаб сабзавот ва полиз экинлари тартиб билан қадалганки, янги униб чиқаётган ушбу неъматларни кўриб кишининг баҳри дили очилади. Сўри ёнидаги гуллар барқ уриб ўсаяпти. Уй атрофига арча кўчатлари экилган.

Тадбир иштирокчилари Г.Раҳимова раҳбарлик қилаётган мактабда ҳам хонадондаги каби саришталикка дуч келишди.

— Мактаб атрофи бир ярим гектардан зиёд майдондан иборат, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Искандар Худойберганов. — Мактаб олди гулзор қилинган. Шунингдек, турли мевали ва манзарали дарахтлар кўрк бағишлаб турибди. Орқа томон токзор. Ҳар йили картошка етиштирамиз. Олинган даромаднинг бир қисми турли тадбирлар уюштиришга сарфланса, бир қисми кам таъминланган оилаларга тарқатилади. Бу йил ушбу токзорни яшартирдик. Нафақат узум, бошқа мевали дарахт кўчатлари ҳам ўтқаздик. Кўчат ўтқазиш ишлари мактабимизга элтувчи йўл бўйларида ҳам олиб борилди.

Искандар ака бошланғич ташкилотга 12 йилдан бери етакчилик қилади. Касаба уюшма қўмитаси хонаси ҳар доим аъзолар билан гавжум. 65 нафар аъзонинг ҳар бири эътиборда.

Касаба уюшма аъзоларининг дам олишлари учун ҳам муносиб шароит яратилган. Дам олиш хонасида турли бадиий китоблар, газета-журналлар тахламларини учратиш мумкин. Ўтказилган тадбирлар жамланган дискларни томоша қилиш тажриба алмашишда қўл келади.

— Туманимиздаги 74 бошланғич ташкилотимизнинг ҳар бирида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди, — дейди Боғот туман бирлашган қўмитаси раиси Ширин Юсупова. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга бўлган иштиёқ барчани яратувчанликка ундамоқда.

Семинар иштирокчилари ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, кўрган ва эшитганлари уларнинг кейинги фаолиятини янада жонлантириш имконини беришини таъкидлашди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига**

## 1205 та иш ўрни яратилди

***Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган Сариосиё туманининг табиати бетакрор, мевали боғлари ўзига хос, одамлари меҳнаткаш. Туман азал-азалдан «Дашнобод» анорлари, «Сангардак» олмалари, Газарак узумлари, Шарғун кўмири ва ҳисори қўйлари билан машҳур. Охирги ўн йилда туман пахтакорлари ва ғаллакорлари мўл ҳосил етиштириш бўйича ҳар томонлама ўрнак кўрсатишаяпти.***

Саноатлашган туманда «Тўпаланг ГЭС», Сариосиё-тош-шағал саралаш заводлари, Шарғун кўмир кони, ғишт заводи, «5-қишлоқ қурилиш комбинати» АЖ корхоналаридаги жонбозликлар эвазига миллион-миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланмоқда. Тумандаги тош-шағал саралаш заводида ишлаб чиқарилаётган инерт маҳсулотлари кириб бормаган корхона республикада кам. Тоғли Хонжиза қишлоғида топилган полимер руда конлари эндиликда мустақил юртимиз тараққиётига хизмат қила бошлади.

Яна бир гапки, туман Сурхондарёнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан бири саналади. Шу боис аҳолининг ишга яроқли қисмини, айниқса, ёшларни фойдали меҳнат билан банд этиш мақсадида қатор ижобий ишлар амалга оширияпти. Гарчанд ҳудуд аҳолисининг асосий қисми Сангардак, Хонжиза, Газарак, Хуфар, Хўжаасмин, Зевар сингари тоғ қишлоқларида ёмғир ва қор сувлари ҳисобига суғориладиган экин майдонларига мевали дарахт ва ток ўстиришга одатланган эса-да, кейинги пайтда боғ ва узумзорлар 3 минг гектардан ортди. Боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлар 520 тадан ошгани бу соҳага эътибор ортаётганлигидан далолат.

Сариосиё туманида қарийб 30 минг гектардан ошиқ иккита — «Узун» ва «Ҳисор» ўрмон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Дунёдаги энг ноёб ва ширин фарел балиғи ҳам Сариосиё булоқларида учрайди. Бу далилларни бежиз келтирмадим. Чунки айнан шу соҳаларда аҳолининг асосий қисми иш билан банд. Ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар туманимизда ҳам кенг жорий этилаётгани туфайли ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, аҳоли турмушини фаровонлаштиришга хизмат қилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

*Ҳамкорлик уфқлари*

***Юртимизда оналик ва болаликни муҳофазалашни тубдан яхшилаш — тиббиёт соҳасидаги Давлат дастурида белгиланган асосий устувор вазифадир.***

***Сўнгги йилларда энг яхши сиҳатгоҳлар қошида оналар ва болалар бўлимлари иш бошлади. Деярли барча вилоятда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Малакали шифокорлар томонидан чақалоқлар неонатал текширувдан, ҳомиладор аёллар пренатал скринингдан ва кўплаб оилалар генетик кўрикдан ўтказилмоқда.***

## Соғлом авлод, соғлом жамият сари

Янги оила қурган ёшлар беш йилга қадар патронаж хизмати назоратига олинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Истамбулда ўтган анжуманида юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели юқори баҳоланиб, ҳатто ривожланган давлатларга ҳам намуна қилиб кўрсатилгани, шунингдек, мамлакатимиз турли касалликлар, айниқса, полимиеолитдан холи ҳудуд деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда касаба уюшмалари ҳам жонбозлик кўрсатмоқда, албатта.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан 2011 йил учун имзолаган қўшма тадбирлар режаси хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳоли ўртасида тиббий маданият тарғиботини янада кучайтиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Қўшма қарорга мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан мазкур тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлаш Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими, Курортлар бошқармаси, Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларига топширилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эса бу эзгу ишга Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, Даволаш-профилактика ёрдамини такомиллаштириш бош бошқармалари, Республика репродуктив саломатлик маркази, Саломатлик ва тиббий статистика институти, шунингдек, ҳудудий тиббиёт бошқармалари ва бўлимлари вакиллари жалб этилди.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, оила ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилди. Қўшма тадбирлар режасига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, қишлоқларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, тиббиёт ходимлари бўлажак оналарнинг ҳомиладорлик даври кўнгилдагидек кечиши, бехатар туғруқни таъминлаш, оналар ва янги туғилган чақалоқларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бевақт ҳомиладорликнинг олдини олиш, бепуштлик, юқумли касалликлардан сақланиш, гўдакни кўкрак сути билан боқишнинг афзалликларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш сингари долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

*(Давоми 3-бетда)*

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 17-may № 61 (2942)

# Бугун — финал!

***Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш, шунингдек, оммавийликни ошириш мақсадида касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида 12-14 май кунлари пойтахтимизда жойлашган «Яккасарой» спорт мажмуида республика спартакиадасининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.***

**Спартакиада**

Мусобақа қатнашувчилари мини футбол, енгил атлетика, стол теннис, шахмат ва шашка каби турлар бўйича беллашдилар. Қизғин кечган баҳслар якунига кўра, жамоавий кечган мини футбол мусобақаларида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси жамоалари финал босқичига йўлланма олдилар.

Енгил атлетика баҳсларида эркаклар ўртасида Санжар Толипов (Соғлиқни сақлаш), Суннатилла Абдуғаниев (Алоқачилар), Абдулатиф Абдуллаев («Ishonch» газетаси), Шавкат Қодиров (Давлат муассасалари) йўлланмани қўлга киритган бўлишса, аёллар ўртасида Гулчеҳра Шералиева (Таълим ва фан), Севара Умарова (Соғлиқни сақлаш), Шоҳида Бегимқулова (Агросаноат), Нилуфар Абдураимова (Авиация) бошқалардан кучли эканликларини амалда исботлашди.

Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида кечган баҳсларда қатнашган Сардор Аҳмадхонов (Давлат муассасалари), Собир Саидхўжаев (Таълим ва фан), Шавкат Тошпўлатов (Қурилиш), Муҳиддин Бекмуродов (Темирйўлчилар) ғолибликни қўлга киритишди. Аёллар ўртасида Олга Хрушева (Авиация), Лола Исматова (Давлат муассасалари), Гуля Усманова (Таълим ва фан), Раъно Абдалимова (Соғлиқни сақлаш) ғалаба нашидасини суришди.

Ақл чархи ҳисобланмиш шахматда беллашган иштирокчилар орасида (эркаклар) Эркинжон Қамбаров (Давлат муассасалари), Г. Ҳамидов (Ёқилғи-энергетика), Ҳамроқул Қодиров (Соғлиқни сақлаш), Зоҳид Набиев (Курортлар бошқармаси) ва аёллар ўртасида С. Захробова (Ёқилғи-энергетика), Дилбар Комилова (Қурилиш), Гулчеҳра Раметова (Давлат муассасалари), Лазокат Турикова (Таълим ва фан) баҳсларни давом эттирмоқдалар.

Шашка бўйича кечган баҳслар натижасига кўра, эркаклар ўртасида Владимир Бегларян (Алоқачилар), Ғайрат Умаров (Авиация), Арипжон Гайназаров (Давлат муассасалари), Ҳусниддин Саидалиев (Қурилиш) ҳамда аёллар ўртасида Дилором Тошматова (Соғлиқни сақлаш), Лола Исматова (Давлат муассасалари), Гулнора Абдуллаева (Авиация), Наргиза Холмуҳамедова (Ёқилғи-энергетика) кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритишди.

Финал босқичи спартакиада ғолибларини аниқлаб беради.

**А. АРСЛОНОВ**
**«Ishonch» мухбири**

*Турнир*

***Паркент туманидаги «Қўшчинор» кураш аренасида бел олиш ва белбоғли кураш бўйича республика турнири бўлиб ўтди.***

# Алпомишлар «Қўшчинор»да

100 нафарга яқин полвонни ўзида жамлаган бел олиш кураши баҳслари тўққизта вазн тоифасида ташкил этилди ва наманганлик Ғиёсжон Мамасиддиқов (50 кг), фарғоналик Беҳзод Тўрақулов (55 кг), Мақсад Исмоилов (60 кг), Обидали Мавлонов (73 кг), Камолиддин Маҳкамов (81 кг), Раимжон Азиззода (90 кг), Отабек Ҳомидов (100 кг), Мироншоҳ Рўзиев (+100 кг), Фарҳод Болтабоев (мутлақ вазн) ҳамда сурхондарёлик Рисбек Мамадалиев (66 кг) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди.

Белбоғли кураш баҳсларида эса Тошкент вилояти, айниқса, Паркент тумани полвонлари шиддаткорлик кўрсатишди.

Илғор Хамлетов (50 кг), паркентлик Санжар Қўчқоров (55 кг), Суннатулла Қозоқбоев (60 кг), Тошкент шаҳри полвони Иқбол Исаев (73 кг), Осиё чемпиони, ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги олтин медали соҳиби, катталар ўртасида кумуш медалга эришган паркентлик Искандар Маҳаматов (81 кг), паркентлик Нуриддин Маҳаматов (90 кг), Шоҳруҳ Қўчқоров (100 кг) ҳамда фарғоналик Дадажон Эргашев (+100 кг) финалда ўз устунликларини амалда намойиш этишди.

Мутлақ ғолиблик учун 81, 90, 100 ва +100 кг. вазн тоифаларида бош совринга эришган курашчилар гиламга чиқди. Ярим финалда Искандар Маҳаматов ва Шоҳруҳ Қўчқоров рақибларини мағлуб этиб финалда рўбарў келди.

Ғолиблик эса Искандар Маҳаматовга насиб этиб, у бош соврин — уч миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди.

Мусобақа давомида тенг очко тўплаган курашчилардан «Халқа» усулида ғолиб аниқланди.

— Туманимизда бу каби йирик турнирнинг ўтказилиши ва унда жаҳон ҳамда Осиё чемпионларининг қатнашуви белбоғли кураш ихлосмандларининг янада ошишига, шуғулланувчиларнинг кўпайишига ҳисса қўшади, — деди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тумандаги вакили Баҳодир Икромов.

**Носир АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон бел олиш ва белбоғли кураш федерацияси бош котиби**

# Олимп сари йўл

**Велоспорт**

Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2012 йил Лондон (Буюк Британия) шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ва Паралимпия ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ижросини ҳамда республика ва халқаро миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда вилоят терма жамоа аъзоларининг муносиб иштирок этишларини таъминлаш, шунингдек, вилоятда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида Наманган вилояти ҳокими Б. Юсуповнинг қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси П. Паязов велоспорт бўйича Федерация раиси этиб тасдиқланди.

Велоспорт бўйича ўтказиладиган тадбирларга пухта тайёргарлик кўришни ташкил этиш, соҳа олдида турган муаммоларни ҳал этиш, кадрлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида ёндашиш мазкур Федерация зиммасига юклатилган асосий вазифалардан ҳисобланади. Соҳанинг истиқболини таъминлашда эса «Вилоят ягона буюртмачи инжиниринг компанияси», «Водий ипаги» МЧЖ, «Мўъжиза-Н» МЧЖ каби ташкилотлар ҳомийлик қилишади.

— Наманган шаҳридаги 3-миттитуман ҳудудида спорт зали, ювиниш ва дам олиш хоналарига эга бўлган «Велотрек» спорт иншооти мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда велоспорт бўйича вилоят Федерацияси раиси Пайзулла Паязов.

Мазкур бинода 1-Олимпия захиралари махсус спорт мактаби жойлашган бўлиб, унинг велоспорт бўлимида Павел Мазгунов ҳамда Азиз Абдураҳимов мураббийлик қилишади. Олтита гуруҳда 54 нафар шуғулланувчи (улардан 4 нафари қизлар) мунтазам машғулотлар ўтказишади. Улардан бир нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, 3 нафари спорт устаси, 4 нафари эса спорт усталигига номзод, 11 нафари 1-разрядли спортчи эканлиги соҳанинг вилоятда янада тараққий этишига умид уйғотади.

Эзгу ниятлар билан бошланган саъй-ҳаракатлар яқин вақт ичида наманганлик велоспортчиларни дунё спорт ареналарига олиб чиқишига шубҳа йўқ.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

*18 май – Халқаро музейлар куни*

# Аждодларнинг меҳри мужассам

***Кулолчилик — ибтидоий санъат. Ҳеч ким уни фалон йилда, фалон асрда пайдо бўлган, деб айтолмайди. Одам пайдо бўлибдики, сопол буюмлар она заминнинг бир парчаси сифатида инсоният тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлиб келаётир. Ўчоқ, тандир, рўзғорда ишлатиладиган турли буюмлар... Уларнинг мустаҳкамлиги, узоқ йиллар беминнат хизмат қилиши кулолчиликнинг яна бир қиррасини намоён этади.***

Ўзбекистон Давлат санъат музейи залларида сопол хум, хумча, лой тасвирларигача борки, булар нодир археологик топилмалар ҳисобланади. Ҳикоямиз ҳам бевосита музей залларида намойиш этилаётган XIX-XX аср кулолчилиги ҳақида.

Бу ердаги кулолчилик буюмларига назар ташлаган киши ўлкамизнинг кулолчилар юрти эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади. Маълумки, сопол буюмлар қадим-қадимдан соз тупроқдан ясаб келинади. Улар махсус кулолчилик ўчоқларида, кучли оловда пиширилади. Халқимиз тупроқдан бунёд этилган пиёла, коса, шокоса, лаган, хум, хумча, хурмача, сопол кўза каби идишлардан ҳамон фойдаланади. Уларнинг урфдан қолмагани, ундаги сувми, таомми ўзгача мазали таъм бериши кулолчилик буюмларида аждодларимизнинг меҳри мужассамлигидан далолат беради.

Кўплаб қадимги кулолчилик буюмлари сақланиб қолган, аммо улар ким томонидан яратилганини билмаймиз. Шу боис, ноёб кулол буюмларининг муаллифлари ҳақида ҳам озгина бўлса-да маълумот олсак ёмон бўлмасди.

Жумладан, бухоролик Ҳамро буви Раҳимова қадимги кулолчилик санъати йўлидан бориб, фарзандларимизни хилма-хил жониворлар тасвири ифодаланган ўйинчоқлар билан хурсанд этиб келган. Ижодини деярли болаларбоп ўйинчоқлар ясашга бағишлаган. У ясаган ўйинчоқлар пухта ва чиройли бўлиб, қўлбола ўчоқда пиширилган. Улар афсона, ривоятлар асосида яратилгани учун болаларга жуда ёқарди. Кимгадир ўйинчоқ керак бўлиб қолса, албатта Ҳамро бувини йўқлаб келишарди. Ўша вақтларда «Ҳамробуви эртаклари» номли ҳужжатли филм ҳам яратилган.

Шунингдек, аёл мусаввирларимиздан Лайло Салимжонова «Ҳамробуви Раҳимова» портретини болалар даврасида тасвирлаб, унинг умри давомида шу касбга меҳр қўйганини қисман очиб берганди. Ушбу асар санъат музейида намойишга ҳам қўйилганди. Ҳамро бувининг Кубора Мирфаёзова, Шарофат Обидова каби истеъдодли шогирдлари бўлиб, экспозицияда уларнинг ҳам ишларидан намуналар ўрин олган. Уларнинг ижод услубида устоз таълимоти сезилиб турибди.

Самарқандни кулоллар шаҳри дейиш мумкин. Абдураҳим ва Зариф Мухторовлар, Худойберган Ҳақбердиевнинг ўн йил, яъни 1960-70 йилларда ясаган ўйинчоқ намуналарида она ва бола қиёфаси ҳаётий акс этган. Ҳатто, бешикда ухлаётган бола, фарзандини меҳр билан эмизаётган она кўринишлари кулолчилик санъатининг беқиёс имкониятидан дарак беради. Ушбу халқ усталари ўзларида ҳайкалтарошлик санъатини ҳам мужассам этгандилар. Умарқул Жўрақулов, Маҳкам Облоқулов ижодида ҳам Самарқанд кулолларига хос анъанани кўриш мумкин.

Яна бир истеъдод эгаси Муҳиддин Раҳимовнинг Ўзбекистон кулолчилигида ўз ўрни бор. Унинг ижодида Тошкент, Самарқанд ва бошқа ҳудудлар кулолчилик тарихи жонланган. Ота касбини ўғли — Акбар Раҳимов фарзандлари билан давом эттираётир. Ҳатто, отаси номи билан аталувчи уй-музейи ҳам очиб, сайёҳларни ҳайратга солиб келмоқда.

Фидойи кулолларимиз тошкентлик Туроб Мирвалиев, шаҳрисабзлик Карим Ҳазратқулов, риштонлик Мусо ота Исмоилов, хивалик Қурбонбой Дўстжонов, ғиждувонлик Ибодулла Нарзуллаев кабиларни ҳам ҳурмат билан тилга олиб, ғурумсаройлик кулол Мақсудали Турабоев ҳақида тўхталмасам бўлмас. Санъат музейида ишлаган пайтларим у киши олдимга тез-тез келиб, қилаётган ишлари ҳақида гапириб берарди. «Ғурумсарой тупроғи кулолликка хос, сопол буюмлар пухта чиқади», деб тез-тез мақтар, кулолчилик сир-синоатларини тўлиб-тошиб сўзларди. Музейда ўзбек кулолчилиги қаторида Мақсудали Тўрабоевнинг ўнга яқин иши қўйилган. Бир-биридан нафис сопол лаганларда биргина Ғурумсарой табиати эмас, доим баҳорни эслатувчи Фарғона водийсининг ям-яшил қиёфаси, турли гулларнинг товланиши мужассам.

Кўриниб турибдики, кулолчиликнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бу эса санъатнинг барча турларида аждодларимизнинг яратувчанлик қудратидан далолат беради.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос**

*Кўрик-танлов*

***Ўсиб келаётган ёш авлод маънавий оламини бойитиш, маданий савиясини юксалтириш орқали уларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, болалар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантириш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин тутади.***



# Истиқлол ғунчалари

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами муносабати билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тизимдаги маданият муассасалари қошидаги болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда ёш ижодкорлар ўртасида ташкил этган «Истиқлол ғунчалари» республика кўрик-танлови ҳам шу мақсадга қаратилган. Яқинда «Тошкент трактор заводи» ОАЖ маданият саройида бўлиб ўтган шаҳар босқичида олти ёшдан 16 ёшгача бўлган 70 нафардан зиёд иштирокчи анъанавий ижрочилик, эстрада, якка чолғу, якка ва жамоавий рақс ижрочилиги йўналишлари бўйича қатнашди.



Ҳар бир чиқиш томошабинлар эътиборини қозонди. Айниқса, эстрада қўшиқчилиги йўналиши бўйича Сергели туманидаги 300-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ирода Юсупова ижросидаги «Ўзбек боласи» қўшиғи, Учтепа туманидаги «Хумо» 328-мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси Шарафиддин Файзуллаевнинг дуторда якка созандачилик бўйича иштироки, мазкур «Хумо» бадиий ҳаваскорлик жамоасининг анъанавий ижрочилик йўналишидаги чиқиши, якка рақсда Миробод туманидаги 60-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Комила Холдорова, жамоавий рақсда «Тошкент трактор заводи» ОАЖ маданият саройи қошидаги «Стил» рақс дастаси ижросидаги «Вена валси» олқишга сазовор бўлиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилди. Барча қатнашчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Эътибор*

# Маҳзун дилларга таскин

Қарши шаҳрида хизмат вақтида ҳалок бўлган ички ишлар, мудофаа ва солиқ бошқармаси ходимлари оила аъзоларига Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Марказий кенгашнинг вилоятдаги вакиллиги ташкил этган тадбир маҳзун кўнгилларга оз бўлсада таскин бағишлади. Унда сўзга чиққанлар 14 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг жасорати унутилмаслиги, ёш авлод учун юксак ибрат намунаси бўлишини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

*Янги нашр*

***Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакиллиги тизимдаги нуфузли, аъзоларининг юксак ишончига сазовор бўлган тармоқлардан ҳисобланади. Сафига 40 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган тармоқ фаолияти ҳақида жуда илиқ фикрлар билдириш мумкин.***

# «Эл» газетаси дунё юзини кўрди




Касаба уюшмаларининг ибратли фаолиятини, илғор тажрибаларини халққа етказиш, тарғибот-ташвиқот қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Шундан келиб чиққан ҳолда тармоқ вакиллиги муассислигида маърифий-маънавий, ижтимоий-оммабоп нашр — «Эл» газетасининг нишона сони дунё юзини кўрди.

Газета Қашқадарё вилоят ҳокими Нуритдин Зайниевнинг газета ўқувчилари, ижодий жамоаси ва ташкилотчиларига табриги билан очилади.

Ички саҳифаларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсонбой Ражабовнинг «Элнинг қалби ва ғурури» сарлавҳали қутлови, газетанинг таҳрир ҳайъати раиси, Марказий кенгашнинг вилоятдаги вакили, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жумақул Қурбоновнинг «Эҳтиёж меваси» сарлавҳаси остидаги дил сўзлари чоп этилган.

Шунингдек, газета саҳифаларидан ўрин олган «Геолог» санаторий-профилакторийси бош шифокори Абдураҳмон Яхшиев билан суҳбат, «Меҳнат шартномаси: у ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам бўлсин», Абдунаби Абдиевнинг «Яхшилик уруғи», Қилич Абдунабиевнинг «Мен билган одам...» сарлавҳали мақолалари ҳам ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди.

Янги нашрга ўз ўқувчиларини топиши, касаба уюшма ташкилотларининг нуфузли минбарига айланишини тилаб қоламиз.

**Жўрабек ЖАНГИРОВ**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилояти бўйича вакиллиги жамоаси вакилликнинг бўлим мудири Дилором Жўрабоевага падари бузруквори

**МАҲМУДЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

**Navbatchi muharrir:**
A. Qodirova

**Navbatchi:**
A. Arslonov

**Musahhih:**
N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

2345